

---

## БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР АҲОЛИГА ЛИЗИНГ ЁКИ КРЕДИТ АСОСИДА БЕРИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.**

Ҳужжатда интенсив боғ, токзорлар барпо этиш ва иссиқхоналар қуриш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ер майдонлари 10 йилгача муддатга вақтинча фойдаланиш шarti билан ажратилиши ажратилиши белгиланган. Эътиборли жиҳати, улар лизинг ёки кредит шартлари асосида берилади.

Хусусан, интенсив боғ ёки токзорлар — улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхоналар — бир йиллик имтиёзли давр билан лизинг олувчига етти йилгача муддатга лизингга берилади.

Тижорат банклари интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун — улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун — бир йиллик имтиёзли давр билан етти йилгача муддатга кредит ажратиши мумкин.

**Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2020-02-01 08:10:43